



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ Қ А Р О Р И

---

## Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Девони ходимларининг мансаб йўриқномасини тасдиқлаш ҳақида

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 89-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

### ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Девони ходимларининг мансаб йўриқномаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2017 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди девони ходимларининг мансаб йўриқномасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарорининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди девони ходимларининг мансаб йўриқномасига тегишли 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу Қарор Конституциявий суднинг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Конституциявий суди**

Тошкент ш.,  
2021 йил 31 май,  
КСҚ–9-сон